

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ  
ҚАРОРИ

**317 2011/2012 ўқув йилида Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларида абитуриентларнинг тест синовларини ўтказиш санасини 2011 йил 1 августдан 2 августга кўчириш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2011/2012 ўқув йилида Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларига қабул тўғрисида» 2011 йил 4 июлдаги ПҚ-1564-сон қарорига мувофиқ ҳамда республика олий таълим муассасаларига кириш учун хужжат топширган абитуриентлар сони кўпайганилиги муносабати билан, шунингдек уларнинг хар томонлама тайёргарлик кўриши ва 2011/2012 ўқув йили кириш тест синовларини ўтказиш учун зарур шарт-шароитлар яратиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қиласди:**

1. 2011/2012 ўқув йилида республиканинг барча олий таълим муассасаларига абитуриентларнинг тест синовларини ўтказиш санаси 2011 йил 1 августдан 2 августга кўчирилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Давлат тест маркази, ўз тасарруфида олий таълим муассасаларига эга бўлган вазирликлар ва идоралар Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда тест синовларини ўтказиш санаси кўчирилганлиги тўғрисида барча абитуриентларни хабардор килишни ташкил этиш ва тест синовларини 2011 йил 2 августда талаб даражасида ўтказиш учун зарур шарт-шароитларни яратиш бўйича зарур тезкор ва кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар амалга оширилишини таъминласинлар.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бosh вазирининг ўринбосари А.Н. Арипов, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазири Б.Ю. Ходиев, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Давлат тест маркази директори Б.М. Исмоилов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2011 йил 28 июль,  
221-сон